



Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти 221200 Янгибозор шаҳарчаси тел.(0-362)41-94-141, факс (0-362)41-94-255  
O'zbekiston Respublikasi Xorazm viloyati 221200 Yangibozor shaharchasi tel.(0-362)41-94-141, faks (0-362)41-94-255

“19” август 2020 й.

№ 1329

Янгибозор шаҳарчаси

**Чўболончи қишлоғидаги “Достонбек”  
фермер хўжалигига шоличилик  
кластери ташкил қилиш учун ер  
майdonи ажратиб бериш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги “Шоличиликни барқарор ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 986-сонли қарори ҳамда ушбу юзасидан қабул қилинган вилоят ҳокимининг 2019 йил 14-декабрдаги № 748к-сонли, туман ҳокимининг 2019 йил 20 декабрдаги № 6988-сонли қарорлари, Чўболончи қишлоғидаги “Достонбек” фермер хўжалиги раҳбари Аманжон Холмуратованинг шоличилик кластери ташкил қилиш учун ер майdonи ажратиб беришни сўраб ёзган аризаси ҳамда ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг хулосасини ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-моддаси, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 22, 29-моддалари ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10, 25-моддасига асосан

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. Чўболончи қишлоғидаги “Достонбек” фермер хўжалиги раҳбари Аманжон Холмуратованинг шоличилик кластери ташкил қилиш учун ер майdonи ажратиб беришни сўраб ёзган аризаси талаби қаноатлантирилсин.
2. “Достонбек” фермер хўжалигига туман ҳокимлиги захирасидан “Чўболончи” массивидаги 225, 279, 227, 229-контурларидаги умумий ер майdonи 26.7 гектар, шундан суғориладиган экин ер майdonи 25.8 гектар, ариқ ва зовурлар 0.4 гектар, йўллар 0.3 гектар ва 0.2 гектар бошқа ер майdonлари шоличилик кластери ташкил қилиш учун 40 йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.
3. Шоличилик кластери ташкил қилиши муносабати билан “Достонбек” фермер хўжалиги раҳбари А.Холмуратовага қуйидагиларни бажариш мажбурияти юклатилсин.
  - шоли етиштирувчи хўжаликларда шоли етиштиришни молиялаштириш, шолини қуритиш, сақлаш, қайта ишлаш ҳамда сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш, бу бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;
  - ажратилган ер майdonларида тупроқ унумдорлиги, ер, сув ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш, янги инновацион технологияларни жорий

этиш, ҳосилдорликни ошириш борасида шולי этиштирувчи хўжаликлар раҳбарларининг билим ва кўникмалари ошириб борилишини таъминлаш;

-шולי этиштирувчи хўжаликларга бўнак маблағларининг ўз вақтида ва етарли миқдорда ажратилишини ҳамда ҳосилдорликни ошириш учун кўшимча равишда минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ва ўсимликларни химоя қилиш воситалари етказиб берилишини таъминлаш;

-ердан белгиланган мақсадда оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, сувни тежайдиган ва экологияни муҳофаза қилувчи технологияларни босқичма-босқич жорий этиш ҳамда худудда экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл кўймаслик;

-шолини қайта ишлаш учун ресурс тежайдиган технологияларни жорий этиш юзасидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;

-тупроқ-иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда шולי селекцияси ва уруғчилигини йўлга қўйиш.

-ҳосилдорликни ошириш чораларини кўриш ҳамда ҳар бир гектар сугориладиган ер майдонидан камида 70 центнер ҳосилдорликка эришиш;

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги “Шоличиликни барқарор ривожлантиришга доир кўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги 986-сонли қароридан назарда тутилган мажбуриятларни бажармаслик, ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бекор қилинишига олиб келиши белгиланганлиги юзасидан кластер раҳбари оғохлантирилсин;

4. “Достонбек” фермер хўжалигининг шоличилик кластерига ўзгартирилиши муносабати билан туман ҳокими ва фермер хўжалиги раҳбари Аманжон Холмуратова ўртасида тузилган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини туман ҳокимининг қарори қабул қилинган кундан бошлаб беш кун муддатда тайёрлаб, расмийлаштириб жойида ер майдонларини далолатнома асосида топшириш туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов) зиммасига юклатилсин.

5. “Достонбек” фермер хўжалигининг шоличилик кластерига ўзгартириш муносабати билан туман ДСИ (А.Ўразбоев)га, туман статистика (Б.Артиқбоев)га ва бошқа тегишли ташкилот раҳбарларига ушбу қарор тасдиқлангандан кейин ўз ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси топширилсин.

6. Мазкур қарорнинг тасдиғи халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига киритилсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Янгибозор туман ҳокими:



Ў.Курбанов